



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

---

Narsalarning asl mohiyatini  
bilibishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.

---



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Сайд ДАМАНҲУРИЙ  
(احمد سعید الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД (ناظر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар маъмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Оиди ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўймитасининг 2023 йил 7 мартаға  
03-07/1503-сонли хуносаси асосида  
тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари ..... 3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилда илмий марказларнинг ўрни ..... 12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари ..... 19
- Nematulla Nasrullahayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари ҳакида ..... 29
- Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши ..... 41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг кўлланилиши ..... 48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили ..... 55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Махмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси ..... 65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига кўшган ҳиссаси ..... 72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқик этишининг назарий масалалари ..... 83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари кўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи ..... 91
- Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан boglik оялгар таҳлили ..... 98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи ..... 107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили ..... 118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan ..... 124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiyalar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) ..... 130
- Абу Мансур Мотуридий (тарихий романдан парча) ..... 140

Bakhodir I. DAMINOV,  
Committee on Religious Affairs,  
Information and analysis center for studying  
religious and social processes.  
12, Navoi str 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [bahodirdaminov@mail.ru](mailto:bahodirdaminov@mail.ru)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/7

**ЖАМИЯТДА ДИНИЙ  
МУТААССИБЛИКНИ ВУЖУДГА  
КЕЛТИРУВЧИ ТУРЛИ ОМИЛЛАР  
ТАХЛИЛИ**

**ANALYSIS OF VARIOUS FACTORS  
CAUSING RELIGIOUS FANATICISM IN  
SOCIETY**

**АНАЛИЗ ФАКТОРОВ,  
СПОСОБСТВУЮЩИХ  
ВОЗНИКОВЕНИЮ РАДИКАЛИЗАЦИИ  
В ОБЩЕСТВЕ**

**КИРИШ**

Замонавий дунёда содир бўлаётган тарихий вokesлар ва ижтимоий жараёнлар маданиятларро чегараларнинг бузилишига, ягона ахборот маконининг шаклланишига, кутубли гоялар хамда мафкураларнинг кескин тўқашувига, бу эса ўз навбатида, жамиятда мутаассибликнинг ривожланиши учун объектив шарт-шароитларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Мутаассиблик мазкур жараёнларда замонавий ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини онгли равишда шакллантириш оркали турли гаразли кучларнинг “энг самарали усул”ларидан бири бўллиб қолмоқда.

Бугунги кунда бу каби холатлардан айрим жамиятлардаги сиёсий кучлар томонидан ўз максадларига эришиш учун, махсус тайёргарликдан ўтган мутаассиб шахслардан хамда оммавий фанатизм ривожланишига хисса қўшадиган мафкуравий тъасирлардан кенг фойдаланилмоқда. Турли миллатчи террористик гурухлар, Якин Шарқдаги экстремистик, террористик ва фундаменталистик ташкилотларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Шу нуктани назардан, замонавий жамиятда мутаассибликнинг фаоллашиши, ижтимоий

табнати, вужудга келиш механизмлари ва омилларини ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Мутаассиблик - (арабча – العصب) - маълум бир мафкура ва карашларга, айникиса, диний фалсафий, миллый ва сиёсий соҳаларда хаддан зиёд, кўр-кўронга ва хиссиятларга берилиб эргашиш ва уларга амал килиш, қандайдир тушунчалар, эътиод ёки дунёкарашга кўр-кўрон содиклик сифатида таърифланади

Фанатизм ва фанат атамалари лотинча *fanaticus* (жахл, газаб билан) ва ёки *fanaticus* (гайратли, хаяжонли; газабланган, ақидапараст, газабли) сифатдошлиридан келиб чиқсан бўлиб, *fanum* (худога багишлини жой, муқаддас жой, ибодатхона) сифат отига асосланади (Hughes M. Johnson G. 2005: 1). *Fatum va fanaticus* исми сифатлари бирлаштирилганда, мутаассибатамаси, хаяжонли, илхомланган, кувноқ ёки жазавали ва ибодатхонага сигинувчи каби маъноларни англаратди (Гумеров И., 2007: <https://pravoslavie.ru/6950.html>).

“Фукаролик жамияти ва мутаассиблик: кўшилган тарих (*Civil Society and Fanaticism: Conjoined Histories*)” номли китоб муаллифи Доминик Коласнинг мазкур асарида мутаассиблик атамасининг тарихий нуктани назардан қўлланилиши ҳакида умумий маълумот бериб ўтган.

Китобда Цицерон (милоддан аввалги 106(43) ва Ювенал (60/140) *fūnītīcīs*дан газабнинг синоними сифатида фойдалангани кўрсатилган. XVII асрга келиб мазкур термин Англиядаги диний хуровер, мутаассиб ва иштиёкли атамалари билан дин хамда сиёсатда хаддан ташкири танқидий иштиёқ ёки гайрат маъносида қўлланила бошланган (Kalmer M., 2011:31).

Христиан черкови рухонийлари эса мазкур терминин XIX асрдан диний ибодат ва маросимларни бажариши билан чегаралмаган тавқодор диндорларга нисбатан асрий анъаналярдан юз ўтирган динсиз ёки либерал фикрли христианлар томонидан фаол кўлланила бошланганини таъкидлашган.

Олиб борилган изланишлар мутаассиблик хар доим хам умуминсоний ходиса сифатида инсониятнинг турли жабхаларида ўз-ўзидан мавжуд бўлмаслигини, у жамиятда тарихий, диний, психологияк, фалсафий, сиёсий хамда турли ижтимоий-иктисодий омиллар натижасида вужудга келишини кўрсатди. Хусусан:

**Аннотация.** Бұғунғы күнде диний мұтаассибликнинг олдуні олиш, ахоли ҳусусан, ёшларнинг мұтаассиб шахсілар тұзғолығынан қорғауда үшілдемелі жағдайда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз. Мұтаассислар 2030 жылға келіп дүниедегі ұлттық мәдениеттің мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз. Шу сабабынан, мұтаассислар қызына тұрғын ақыл мәдениеттің мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз.

Мақралада мұтаассиблик атамасынан мазмұн, мұтаассибликнинг тарихий, диний, психологик, фалсафий, сиёсий ва социологик кабінештіктердің оның мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз. Қызына тұрғын ақыл мәдениеттің мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз. Шу сабабынан, мұтаассиблик атамасынан мазмұн, мұтаассибликнинг тарихий, диний, психологик, фалсафий, сиёсий ва социологик кабінештіктердің оның мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз. Қызына тұрғын ақыл мәдениеттің мұнайшылығынан қорғауда оның әсерін салынуға көмек көткесеңіз.

**Калып түрлері:** мұтаассиблик, фанатизм, тарихий, диний, психологик, фалсафий, сиёсий ва социологик омыллар, лидер, фитнә назариялари, “Дор ал-ислом”, “Дор ал-харб”, “ал-вала валь-баро”.

**Abstract.** Today prevention of religious fanaticism is one of the important issues in the world community, especially the population, and youth from falling into the trap of fanaticism remains. Experts say that by 2030, the majority of the world's extremely poor population will live in conflict-ridden areas that have undermined development progress. For this reason, experts and research centers are conducting several studies and sociological surveys to determine the factors that cause fanaticism in society.

The article describes the meaning of the term "fanaticism", the formation of fanaticism in society under the influence of other factors such as historical, religious, psychological, philosophical, political, and sociological. In particular, it is stated that fanaticism becomes one of the "most effective weapons" of various malicious forces by consciously shaping the specific features of modern social activity. At the same time, the article states that there is no single portrait of the emergence of religious fanaticism in society and its consolidation may lead to the emergence of various conflicting opinions. And also, it is emphasized that the characteristics of a fanatic person can be found in ordinary, that people can strongly believe in and be loyal to a religion, ideology, or political system without being fanatic, and that social, economic, political, psychological, religious, or philosophical problems that have arisen as a result of certain historical events cause fanaticism.

**Keywords:** bigotry, fanaticism, historical, religious, psychological, philosophical, political and sociological factors, leader, conspiracy theories, “Dar al-Islam”, “Dar al-harb”, “al-wala wal-bar”.

**Аннотация.** Сегоңде профилактика религиозного фанатизма, недопущение попадания населения, особенно молодежи, в ловушку фанатиков остается одним из повседневных необходимых вопросов. Как утверждается экспертами, к 2030 году большинство крайне бедных людей в мире будут жить на территориях охваченными конфликтами, в которых подорван прогресс развития. В связи с чем, специалистами и различными интеллектуальными центрами проводятся ряд исследований, изучений и социологических опросов для определения факторов, вызывающих фанатизм в обществе.

В статье разъясняется значение термина фанатизм, формирование и возникновение фанатизма в обществе под влиянием исторических, религиозных, психологических, философских, политических, социологических и иных факторов. В частности, утверждается, что фанатизм становится одним из самых действенных орудий различных злонамеренных сил, сознательно формируя специфические черты современной социальной деятельности. В то же время в статье указывается, что единого портрета возникновения религиозного фанатизма в обществе не существует, оно не имеет однозначных стандартов, а создание индикаторов, определяющих фанатизм, приводит к возникновению различных противоречивых мнений. Отдельные качества, характерные фанатикам может имеется у обычного верующего человека, но при этом он будет оставаться верен существующей системе. В качестве основных факторов, вызывающих фанатизм может выступать социальные, экономические, политические, психологические, религиозные и философские проблемы, возникшие в результате тех или иных исторических событий.

**Ключевые слова:** фанатизм, фанатизм, исторические, религиозные, психологические, философские, политические и социологические факторы, лидер, теории заговора, “Дар аль-ислам”, “Дар аль-харб”, “ал-вала валь-бара”.

Психологик омиллар – мутаассиблик узок давом этган рухий зўрикиш, хаддан ортиқ уятчанлик билан курашиш ёки болалик давридаги ота-оналарнинг қаттиқ меъёларига кечикитирилган жавоб сифатида ҳамда шахсда ўзини ҳак эканини тасдиқлаш, яширин ёки онгли равища ҳар қандай муносабатларда ҳукмронлик килиши истагининг юкорилиги сабабли вужудга келиши мумкин.

Психолог Алберт Эллиснинг сўзларига кўра, террор актларини кўллашдан иккисинчидан радикал ақидапарастлар ўз қарашларининг мутлок хақиқатлигига ишонади, рақибларининг қарашлари унивидан устун бўлаётганини сезса ҳар қандай ҳолатда ҳам уни тўхтатишга интилади. Шунингдек, у диний ёки сиёсий мафкураси билан инсониятни куткара оладиган ягона одам эканлигига, бу вазифани яширганларни барчасини йўқ килишга ва амаллари билан абадий садодатта эришишга, рақибларини эса абадий дўзахга тушишига ишонади (Ellis A., 1986:148).

Психологлар фанатизмнинг инсоният онгигда кай тарзда вужудга келиши ва ривожланишини аниқлаш максадида мутаассиб шахснинг хусусиятларини ўрганишга алоҳида ахамият картишида.

Айборлик, кўркув, ишончсизлик, тез ўзгарувчан хаёт шаронтига мослаша олмаслик, ўз нуктани назарини химоя қиломаслик каби хусусиятлар айрим шахсларни ўз кобигига ўралиб олишига ва эхтиёткор бўлишига мажбур килади. Бу эса мутаассиблик баъзи ҳолларда жамиятнинг тъсири, унинг босими, муаяян шахсларни манипуляция килиш истаги ва бошқаларнинг фикрига бўйсунишга қарши мудофаа реакцияси ва кинизм<sup>1</sup> алокаси сифатида намоён бўлиши мумкинлитетини кўрсатади.

Айрим психологлар шахсдаги танқидий фикрлашнинг йўклиги, одатда хисснётлар тъсири остида харакат киладиган, таклиф қилинган ҳар қандай фикрларни осонличка қабул киладиган, бошқа одамларнинг тъсирида бўлган, ўз дунёкароши ва фикри шаклланмаган шахсларнинг психологиясида мутаассиблика берилеш ёки фанатик инсонлар тъсирига тушиб колиши эхтимоли юкори бўлишини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, фанатизм ҳар доим ҳам инсон руҳиятидаги салбий ҳодиса сифати шаклланмайди. Вольтернинг “У сизнинг айтганларингизни исботламайди, лекин мен сизнинг

айтиш ҳукукингизни ўлгунимча химоя киласман” деб айтган иборасида мутаассибликка хос бўлган белгилар мавжуд бўлса-да унда сўз эркинлиги учун мутаассибларча кураш муносабати мавжудлигини кўрамиз Kalmer M., 2011:34).

Бу каби ҳолатга келажак авлод учун ўз ҳаёти ва дунё неъматларидан воз кечган зоҳид ёки илоҳиёт ўқитувчининг диний гайрати ҳам мисол бўлади.

Франк С. “Пигилизм ахлоқи” номли асаридан фанатизм мумносини ўрганиб, унинг жамият ҳаётида намоён бўладиган баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтган ва мутаассибликни “севимли фикрга бўлган эхтиросли садоқат” деб тушуниш кераклигини айтиб, ўзига ҳамфир бўлмаганларга нисбатан кескин муносабатда бўлувчи шахс сифатида таърифлайди (Воробьев О., 1909:170).

Муаллиф томонидан мутаассибликка берилган бу таърифни “Аёлларда диний фанатизмни юзага келтирувчи турли психологик омиллар” мавзусини тадқиқ қиласган психолог Абдуллаев Да. бирмунча кенг қаророви эканини айтиб, Франк С. фанатизм тушунчасининг нафакат эмоционал, мафкуравий ва салбий жиҳатларига, балки ижобий кирраларига ҳам ургу бериб ўтилганлигини, яъни, маълум турдаги гоя ёки фаолиятга нисбатан муккасидан кетиш шахсда мана шу фаолиятга нисбатан амалий кўнинкамларнинг юксак ривожланишига туртки бўлишини ва айнан “севимли фикрга бўлган эхтиросли садоқат” кўйилган максадга эришиш учун кафолат бўлиб хизмат килишини таъкидлайди.

Маълум бир обьектга нисбатан муккасидан кетган холда интилиш ва берилувчаник, ўз-ўзини идентификация килишининг сустлиги ва шахсий ҳаётининг бузилиши, бузгунчи ташкилотлар томонидан диний мифологияларни шакллантириш жараёнида пайдо бўлувчи кучли эмоционал эхтирос каби ҳолатлар шахс психологиясида фанатизмнинг вужудга келшига сабаб бўлиши мумкин.

Психологик нуктани назардан баъзи турдаги кучли эмоционал эхтирос шахсда “тургун” сифат қасб эта бошлиса, унда бошқаларга нисбатан номувоғиқ хулк-автор кўриниши ва ўзгаларнинг гояларини бузуб идрок этиш жараёни юз берishi ва инсон психологиясида мутаассиблик вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин (Абдуллаева Да., 2021).

Фалсафий омиллар – фалсафада ҳар бир инсон онгигда мутаассиблик мавжуд бўлиши, у

<sup>1</sup> Кинизм - бу маданий қадрингларни ва айъаналарни инкор этип, иккичисига нисбатан ахлоқсиз муносабат.

норма ва патология ёкасида мувозанатланишини, мутаассиб онгга рационал онгга қарама-карши бўлишини, бу турдаги типологиянинг бекарорлиги ва улар ўртасидаги зиддиятлар жамиятда фанатизмнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллардан бири хисобланади.

Фалсафа фанлари номзоди В.Ким ўз таддикотида “лидерлик”ни мутаассибликни шакллантирувчи омилларидан бири сифатида тавсифлайди. Унинг карашига кўра, мутаассиб турохларнинг “лидери” шахсларнинг унга бўлган чексиз муҳаббати, садоқати ва ишончидан фойдаланган ҳолда ўз максадларига эришишга интилади ҳамда манипуляция оркали ўз тарафдорлари орасида мутаассибликни шакллантиради. Мазкур жараёнда етакчи ҳакидаги мутаассиб дунёкараш раҳбарга бу вазифани амалга оширишни осонлаштиради (Ким В., 2003:15).

Иванова Е. “Диний мифология” номли ўкув кўйлланмасида аёлларнинг хулк авторида диний фанатизмнинг шаклланшишига сабаб бўлувчи яна бир омил эркаклардан фаркли ўларок – бу бузгунчи ташкилотлар томонидан диний мифологияларни шакллантириши жараённида пайдо бўлувчи лидерга нисбатан эмоционал садоқат хисси эканини таъкидлайди (Иванова Е., 2011:187).

Бу каби холатларни ижтимоий тармокдаги ўзбек сегменти ўртасида фаол бўлган мутаассиб жамоалар етакчилари хисобланган Гаппоров Зоғир (Абдуллоҳ Зуфар), Мухаммадиев Содикжон (Содик Самарқандий), Давронов Фурқат (Юсуф Даврон), Ҳамидов Мирзагалиб (Абдуллоҳ Бухорий), Ҳалдаров Махмуд (Махмуд Абдулмуҳин) ёки террористик ташкилотларнинг раҳбарлари Мухторов Сирожиддин (Абу Салоҳ), Жўрабоев Ақмат (Салоҳидин), Йўлдошев Тоҳир (Тоҳир Йўлдош), Мамасидиков Мурод (Абу Холид) ва бошқа шу каби “лидер”лар мисолида кўриш мумкин.

Манипуляцияси курбонига айланган шахслар эса “лидер”нинг хато камчиликларини исботловчи ҳар кандай факт ва аргументларни инкор этади, “етакчи” томонидан ўз тарафдорлари онгига шакллантирилган мутаассиблик уни идеал шахс сифатида гавдалантиради.

Мутаассиб шахсларнинг гояларини илмий ва мантакий фикрлар билан рад этиш мумкин бўлсада фанатик инсонга сингдирилган дастлабки таълимот, раддияларни қабул килмаслигига ҳамда у билан олиб борилган баҳсларнинг самарасиз якупланишига сабаб бўлади.

Фалсафада мутаассиблик маҳсус мухитда турли механизмлар (мағкуралаштириш, етакчилик ва бошқалар) ёрдамида ижтимоий зиддиятлар жараёнда фаол равишда амалга ошириладиган ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам ўрганилади. Бунда фанатизм, бир томондан ижтимоий зиддият маҳсулни, иккинчи томондан унинг оқибати хисобланади (Ким В., 2003:15).

Х.Перкинсон “Мутаассиблик: хатоликдан кочиш” номли асарида мутаассиб шахсларни мағкураси ва улар таклиф килинган очимларни мутлақо тўғри деб биладиган догматик одамлар дея таърифлаган. Мазкур ҳусусиятда мутаассиблик шунчаки дунёкараш, мағкура ёки эътиқод тузумига кучли содиклик ва ҳаддан ташкири иштиёқни намоён килиш билан бир хил эмаслиги намоён бўлади.

Айрим файласуфлар мутаассиблик, жамиятда хурғикрлик, пулюларзим ва демократиянинг бўғилиши натижасида шаклланган норози кайфиятдаги инсонлар онгига вужудга келиши мумкинлигини таъкидлайди.

Л.Калхун “Фанатизм анатомияси” номли маколасида мутаассибликни демократияга таҳдид деб хисоблаб, фанатизмни ҳар кандай йўл билан токи ўзининг ҳакиқати галаба қозонмагунча фикрларни бўғишга уриниши дея таърифлаган. Калхун мутаассиб шахслар оғзаки усуслар билан муввафқиятта эриша олмаса, зўравонликка ўтиш оркали мулокот ва баҳслашини имкониятини ўйқ килиши ҳамда бу оркали бошқаларда кўркув пайдо бўлишига эришина максад килишини айтиб, экстремизм ва терроризмнинг айрим вазифалари билан мутаассиблик ўртасидаги кесиншиш нуктасини кўрсатади (Calhoun L., 2004:351).

Файласуф Леонидас Доңскининг таъкидлашича, мутаассиб шахса барча ёмонликларни улар ёмон кўрадиган жамиятга болгайдиган “фитна назариялари”га ишоншиш ва улардан коникиш хисси мавжуд бўлади. Л.Доңскин ва Ж.Орвельмස каби файласуфлар миллатчилик концепциясига таянган ҳолда, мутаассиб шахслар мавжуд ҳакикатдан кўра ўз иллюзияларини афзал кўришини, шу сабабли улар ўз эътиқодини тасдикламайдиган ҳар кандай вожеклини инкор этишини айтиган (Donskis L., 2003:1610–1614).

Худди шу схемани мутаассиб ва ҳакиқий тақвадор диндорнинг эволюциясини таҳлил килган Эрик Хоффер ҳам тасвирлаб берган. Унинг фикрича ҳакиқий диндор мутаассиб шахсадан фарқли ўларок ўз тажрибаси ёки кузатишлари ва

муқаддас китобдан олинган билимларга таянади хамда улар асосида хуносалар чиқариши билан ажralиб туради.

Эрник Хоффернинг таъкидлашича, мутаассисиб шахс эътиқод қиладиган таълимотнинг самардорлиги унинг тушунарлилиги эмас, балки ишончлилигига боғлик бўлади. Шу сабабли, фанатик шахс мутлақ хақикатга ва мавжуд муаммоларни бартаф этувчи барча жавобларга эга эканига ишонади дей айтби ўтган (Hoffer E., 2010:79–82).

Бундан ташкари, фалсафада анъанавий жамиятларга хос бўлган барқарор ижтимоий тузумлар, тамоилилар, устувор йўналишлар, қадриялар хамда ахлоқий меъёрларнинг емирилиши натижасида вужудга келган маънавий бўшлиқлар мутаассибликни шаклланишига хизмат килувчи энг мухим омиллардан бирин саналади (Ким В., 2003:3).

Мутахассислар томонидан XX асрнинг 90 йилларида постсовет мамлакатлари хусусан Марказий Осиё давлатларида диний мутаассиблик ривожланишининг ўзига хос сабаблари сифатида социалистик тузум ва коммунистик мағкурунинг кулаши натижасида юзага келган маънавий бўлиқ ва мағкуравий плюрализм асосий сабаб бўлгани ва объектив ижтимоий вазият инқирозли дунёкарашни келтириб чиқаргани айрим шахслар онгида деструктивликка олиб келганлиги таъкидланади.

Сиёсий омиллар – мутаассиблик айрим холларда янги раҳбарларнинг аввалдан мавжуд бўлган тартиб ва ақидаларга киритган ўзгаришлари сабабли эски тузум тарафдорларининг норозилиги натижасида вужудга келиши мумкин.

Бундай холда, фанатизм одамлар кульгта ўхшаш деб тан олган айрим хатти-харакатларнинг табиитини тавсифловчи сифат ўрнида ишлатилиди хамда эски тартиб ва ақидалар тарафдори бўлган шахсларнинг ўз карашларини химоя воситаси сифатида намоён бўлади.

Бу холатни XX асрнинг 90-йиллари Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига тайинланиши ва у томонидан олиб борилган ислоҳотларга карши кўтарилиган эски тузум тарафдори бўлган айрим шахсларнинг мутаассибларча килган харакатлари, сабик муфтийни хокимиятга кайта олиб келиш оркали ўз эътиқодларини химоя килишга бўлган уринишлари мисолида кўрамиз.

Фромм Э. ўзининг “Инсон деструктивлиги анатомияси” номли асарида ўз ўзини химоя қилиш борасидаги хулкка, таҳдидларга нисбатан инсоннинг реакциясини ифодалашда “тажовуз” сўзини кўллашини ва бундай турдаги тажовузни ижобий дей сифатлашини, аммо инсоннинг бошқа тирик жонзот устидан мутлак хукмронликка бўлган иштиёқи ва ўйқиши истагини алоҳида гурухга ажратиб “деструктивлик” ва “шавкатсизлик” сўзлари билан кўллашини таъкидлайди. У ўз ақидаларини хокимиятни кўлга киритган холда бошқаларга мажбуран сингдиришга уриниш истагининг юкори бўлиши хам жамиятда мутаассибликни вужудга келтирувчи омиллардан бирин хисоблайди (Фромм Э., 1973:12).

Сиёсатнуос Доминик Коласининг сўзларига кўра, диний мутаассиблар ўз раҳбарининг сўзларини мутлак хақикатлигига ва улар бу хақикатни жорий килишга масъул шахс эканлигига ишонади. Бундай гурухлар диний ёки сиёсий мағкура оркали хокимиятни кўлга киритишга ва ҳаммани ўз хақикатига бўйсундиришга ҳаракат килади. Уларнинг наздида дунёнинг бу хақикатдан четта чиқини ва тузатилиши керак бўлган баҳтисиз ходиса сифатида кўрилади (Colas D., 1997:5).

Хиллнинг сўзларига кўра, иккала холатда ҳам хукуматлар ўз ракибларини жамиятни ўйқишини хоҳладиган душман сифатида кўриб, худо улар томонида эканига ишонган ва баъзи стакни шахслар жамоатчилик вахималаридан сиёсий ва шахсий манбаатлари йўлида фойдаланган, ҳар икки вазиятда хам фукараларнинг ҳукуқ ва эркинликлари қурбон килингани, хукуматларнинг бу сиёсати муросасиз ва ўз адолатига мутлоқо ишониш билан амалга оширилган (Hill F., 2004:22.).

Диний омиллар – диншунослар томонидан мутаассиблик дин мисолида аник кўринини, диний мутаассиблик асосан секталарга хос бўлиши, динларга оид муқаддас манбаларни мағкуралаштириш мақсадига қасадан нотўри талқин килинishi, диний муросасизлик гояларини вужудга келишига, бу эса ўз навбатида фанатизмга олиб келиши таъкидланади.

Айрим мутахассислар диндорлардаги дуалистик дунёкараш ҳам баъзан жамиятда мутаассиблик гояларининг вужудга келишига хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлашади. Бу холатда мутаассибликда “биз” ва “улар” ўтрасидаги “мўътадил” фарқдан ташкарига чиқини асосий омиллардан бирин хисобланади.

Дуалистик дунёкараш кўплаб динлар ва таълимотларда учрайди. Ёрглик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги жанг каби тушунчаларни биз Монийлик таълимотида кузатишимиш мумкин бўлса, христианлик бу холат насронийлар дунёси ва шайтонлар хукмронлиги остидаги дунёга, ислом динида эса мазкур холат “Дор ал-ислом” ва “Дор ал-харб” каби бўлиннишларда намоён бўлади.

Одатда гурухлар ичидаги “биз” изжобий нуктани назардан ва ташқаридағи гурухлар “улар”га эса шубҳа билан каралади. Мутаассибликда бундай фарқ барча мўътадилликдан устун бўлиб, “улар” энг катта душман сифатида баҳоланади ва турли сиёсий кучлар томонидан яратилган “фитна назариялари” орқали “улар” йўқ килиниши керак бўлган душман сифатида гавдалантирилди.

Бутунги кунда ижтимоий тармокларда мусулмонлар ўртасида турли мутаассиб карашларни илгари сурувчи контентлар динлардаги дуалистик дунёкарашдан ўз максадлари йўлида фойдаланишга уриниб келмоқда. Улар ўз даъватлариди мусулмонларни ислом динидаги дўст ва душман (ал-вало вал-баро), Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш, кофири кофирилқида айблаш, бошқа дин вакилларига муносабат ва улар билан дўстлашиб каби мавзуларни нотуғри талкин килиш орқали исломда бўлмаган инсонларга душман ва нафрат кўзи билан қараш гоясини илгари суроётгани мазкур холатга мисол бўлади.

Диний мутаассибликни жамиятда вужудга келишига ўрта аср Farb жамияти мутафаккирлари диний мафкура монополияси ва черковнинг узок вакт давомида хукмрон ижтимоий институт бўлгани, ахоли орасида диний билимларни ҳаддан ортиқ кўп тарғиб килиниши асосий сабаб сифатида кўрсатилиб, жамиятда илмий билимларни кўпроқ тарқатиш диний мутаассиблика барҳам беришининг ягона чораси сифатида баҳоланган (Яхъяев М., 2006:2).

Бироқ, XX–XXI асрларда ахолининг ўрта асрларга нисбатан юкори таълим даражасига эга бўлганига карамай, жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастлик йўқолиб кетмагани, балки турли кўринишларга эга бўлиб, янги ижтимоий мавқега кўтарилигани бизга мазкур назарияга карши чиқши имконини беради.

Шунингдек, айрим мутахассислар ахоли орасида илмий билимларни кўпроқ тарқатиш

диний мутаассибликка барҳам бермаслигини, анъянавий диний фанатизм гоясини факат паст акл ва диний таълимотларга кўр-кўруна эътиқод оқибати сифатига ўрганишини таклиф килишади.

Социологик омиллари – социологлар жамиятдаги кундалик муаммоларнинг бартараф этилмаслиги, шахс қадр-кимматининг камситилиши, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик каби кийинчилкларга дуч келган айрим шахсларда мавжуд хокимият ва атрофдаги инсонларга нисбатан норозилик кайфиятининг шаклланиши айрим шахсларда мутаассибликни вужудга келтирувчи асосий омиллар вазифасини бажаришини таъкидлашади.

Мазкур холатда ижтимоий муаммоларга дуч келган шахсларнинг мурожаатлари хокимият органлари томонидан ўрганилмаслиги, адолатли ҳал этилмаслиги ёки уларнинг ўз ишига совук-конлик билан ёндашиши инсонларда жамият ва ҳукуматга нисбатан мутаассиб кайфиятнинг вужудга келишида асосий роль йўнайди. Атроф мухитдан ўз муаммоларига ечим топмаган шахсларни диннинг компенсаторлик функцияси ўзига жалб килади ва шу орқали фанатик инсонлар диндорлашади.

2019 йил 26 февраль куни Бишкеқдаги Исломшунослик илмий-тадқикот институти “Киргиз ўшларнинг радикаллашуви, зўравонлик ва экстремизмга мойиллиги ва бардошлилиги: беш соҳадаги таҳлил” номли тадқикот натижаларини ўзлон килди.

Тадқикот давомида ўшларнинг барча катламлари жумладан, диндор ва диндор бўлмаганлар, ишсиз ва иш билан бандлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида Киргизистон ўшларнинг радикаллашувининг энг асосий омилларидан бири адолатсизлик хисси эканлиги аниқланди.

Тадқикот натижалари ўшлар жамият уларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлаётган деб хисоблашини, нафакат диндорлар, балки диндор бўлмаган ўшларда ҳам радикал фикрлашга мойиллик юкори эканлигини кўрсатган. Бунга каттикўйл конунлар, давлат томонидан исломни хавф сифатида кўриш ва жазо чораларининг тескари натижага олиб келиши асосий сабаб сифатида келтирилган (Насритдинов Э., Урманбетова З., Мурзахалилов К., 2019:44).

Тадқикотчи Ной Таккер 2016–2018 йилларда Қозогистон, Киргизистон ва Тожикистон Республикаларида ўтказган (Noah Tucker) “Terrorism

without a God: Reconsidering Radicalization and Counter-Radicalization Models in Central Asia" ("Худосиз терроризм: Марказий Осиёдаги радикаллашув ва радикаллашувга карши кураш моделларини кайта кўриб чиқиш") деб номланган тадқиқоти натижалари ҳамда француз олими Оливье Ройнинг Европада Сурядаги урушга жангариларни ёллаш амалиёти ҳакидаги фикрига таяниб, марказий осиёликларнинг Сурядаги урушга ёлланисида "исломнинг радикаллашуви" ҳакида эмас, "радикаллашувнинг исломлашиши" борасида гапириш кераклигини, бунда даъватчиларнинг фаол ҳаракатлари эмас балки, жамиятлардаги адолатсизлик асосий сабаб бўлгани ҳакидаги қарашни илгари сурган (Tucker N., 2019: 13–23).

Социолог Калмер Марима "The many faces of fanaticism" номли маколасида мутаассиблик биринчи навбатда хулк-атвор ҳусусияти экани, унинг келиб чиқиши онга асосланинши ҳамда ҳар доим ҳаракатлар орқали ўзини намоён килишини айтиб ўтган (Kalmer M., 2011:35).

Социология профессори Чарлз Селенгут эса идеал ва воқеалик ўртасидаги нумоновиғликтан келиб чиқадиган баъзи психологик қескинликларни мутаассиблик вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллардан бирни сифатида келтириб, мутаассиби диндор шахс ўзининг диний гояларини атрофдаги воқелинка ва илмий қашфиётларга мослаштиримайди муросага келишини хоҳламайди, воқелинки ўзининг диний қарашларига бўйсундирништа ҳаракат қиласи ва керак бўлса, бу максадда зўравонлика кўл урушини айтади.

Тарихий омиллар – жамиятдаги муайян тарихий воқеалар, урушлар, йиллар давомида ҳукмрон бўлган империя ва тузумларнинг қулаши натижасида вужудга келган кескин тарихий-ижтимоий вазиятлар мутаассиб ҳатти-ҳаракатларни келтириб чиқариш мумкин. Баъзи диний секталар фаолияти, тоталитар режимлар ва уруш пайтидаги шиддатли жанговар вазиятларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Тарих фанлари доктори, профессор Гарунова Н. "Ёшлар орасидаги диний фанатизм ва Шимолий Кавказдаги худкуш террорчи аёлларнинг ижтимоий-психологик портрети" (Религиозный фанатизм в молодежной среде и социopsихологический портрет террористки-смертниц на Северном Кавказе) номли маколасида XXI асрнинг бошларида Шимолий Кавказдаги урушлар натижасида вужудга кел-

ган кескин тарихий-ижтимоий вазият мутаассиб ҳатти-ҳаракатларга мойил бўлган аёллардан ташкил топган "қора бева аёллар" деб аталган гурӯхнинг шаклланишга ва улар томонидан бир нечта худкушлик амалиётлари ташкил этилишига олиб келганини баён қиласи (Гарунова Н., 2015:70).

Муайян тарихий воқеалар натижасида жамиятда вужудга келган мутаассиблик ҳар доим ҳам салбий бўлмаслиги мумкин. Мисол учун, партизан ўз душманлари назарида террорчи бўлиб кўриниши унинг тарафдорлари назарида озодлик учун қурашувчи хисобланади.

Француз ижтимоий фаоли Симоне Вайл (1909–1943) мутаассиблигини бошқаларнинг азобланисида иштирок этиш зарурати орқали намоён этган ўз ихтиёри билан ўта тежамкорлик ва қашшоқлиқда яшаб, касбидан ташкири ишсизларнинг ҳуқуқлари учун қураш олиб борган.

Иккинчи Жаҳон уруши пайтида у Франция қаршилик кўрсатишида фаол иштирок этган. 1942 йилда у АҚШга бориб, у эрда кора танлилар ҳуқуқлари учун қурашган, Европага кайтгач эса Францияда расмий озик-овкат рационидан ташкири бошқа овкат ейинши фронтда фашизмга қарши қурашётган ўз ватандошларига хиёнат деб хисоблаган. 1943 йилда у сил қасаллиги ва соглиги ёмонлашгани сабабли қасалхонага ёткизилганида, у ихтиёрий очиқни давом эттиради ва шу 1943 йил 24 августда вафот этади. Унинг мутаассибона қылган ҳаракатлари ўлим сабабларидан бирни сифатида кайд этилади (Perrin J., Thibon G., 2003:164).

## МУХОКАМА

Юкоридаги қараштар асосида шундай ҳулосага келиш мумкинки, жамият ҳаётida мутаассиблик ҳар доим ҳам умуминсоний ходиса сифатида инсониятнинг турли жабҳаларнida мавжуд бўлмайди балки, тарихий, диний, психологик, фалсафий, сиёсий ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий омиллар натижасида вужудга келади. Ҳусусан:

- мутаассиблик руҳий зўриқиши, болалик давридаги каттик меъёларига кечиқтирилган жавоб, шахсада ўзини ҳақ эканини яширин ёки онгли равишда тасдиқлаш истагининг юкорилиги;

- тез ўзгарувчан ҳаёт шароитига мослаша олмаслиқ, ўз нуктани назарини ҳимоя килол-маслиқ, танқидий фикрлашнинг йўқлиги, хис-

сүётлар таъсири остида харакат киладиган, ў дунёкараши ва фикри шаклланмаганилиги;

- маълум бир объектга нисбатан муккасидан кетган холда интилиш ва берилувчанлик, ўз-ўзини идентификация қилишнинг сустлиги ва шахсий хайтигининг бузилиши ва эмоционал эхтироснинг шахса “туртун” сифат касб эта бошлиши;

- мутаассиб онгнинг рационал онгта карамакарши бўлиши ва улар ўртасидаги зиддиятлар;

- жамиятда хуруфкорлик, пулюларзим ва демократиянинг бўйишини натижасида шаклланган норози кайфияти;

- анъанавий жамиятларга хос бўлган баркарор ижтимоий тузумлар, тамойиллар, устувор ўйналишлар, кадриятлар ҳамда ахлокий меъёларнинг ёмирилиши натижасида вужудга келган маънавий бўшликлар;

- аввалдан мавжуд бўлган тартиб ва ақидаларга кириган ўзғаришлири сабабли ёкилик тарафдори бўлган шахсларнинг норозилиги;

- динларга оид мукаддас мағбуруларни мағкуралаштириш мақсадига касдан хотўғри талкин килиш;

- дуалистик дунёкараш;

- жамиятдаги кундалик муаммоларнинг бартараф этилмаслиги, шахс кадр-кимматининг камситилиши, адолатсизлик, ижтимоий тенгизлики натижасида шахсларда мавжуд хокимият ва атрофдаги инсонларга нисбатан норозилик кайфиятининг шаклланиши;

- жамиятдаги муайян тарихий воқеалар, урушлар, йиллар давомида хукмрон бўлган империя ва тузумларнинг кулаши натижасида вужудга келган кескин тарихий-ижтимоий взиятлар.

### НАТИЖА

Эътиборли жихати шундаки, маълум бир шахса мутаассибликка хос бўлган юкоридаги хусусиятларнинг бир ёки бир нечтасини мавжуд бўлиши унинг шахсияти ҳақида ўшилинч хулоса чиқариш учун етарли асос бўлмайди. Чунки, фанатизм ҳар доим ҳам инсон рухиятидаги салбий ходиса сифати шаклланмаслигини ва ҳар бир инсон онгидаги мутаассиблик мавжуд бўлиши, у норма ва патология ёқасида мувозанатланишини унутмаслик зарур. Вольтер ва С. Франкларнинг юкорида келтирилган фикрлари мисол бўлади.

Шунингдек, диний мутаассибликни жамиятда вужудга келиши борасида ўрта аср Farb жамиятида мутафаккирларнинг диний мафкура

монополияси, ахоли орасида диний билимларни ҳаддан ортиқ кўп тарғиб қилиниши борасидағи фикрларини бугунги кунга кўр-кўрона талкин килиш, диндорларнинг диний эхтиёжаларига кондиришга йўл қўймаслик, асл диний таълимотлар билан мутаассиблик ўтрасидаги фаркни ажратмасдан соғ диний ақидаларга ҳаф сифатида караш жамиятда турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ахоли хусусан, ёшларнинг юкорида келтирилган ижтимоий сиёсий муаммоларига ўз вактида эътибор каратилмаслиги уларнинг психологиясида “жамият ёшларга нисбатан адолатсиз муносабатда” деган тасаввурнинг шаклланишига, нафакат диндорлар, балки диндор бўлмаган ёшларда ҳам мутаассиб фикрлашга мойилликнинг ортишига, қонун доирасида кўрилган жазо чораларнинг тескари натижка беришига ҳамда туриға гарзали кучларнинг мазкур ҳолатлардан ўз максадлари йўлида фойдаланишига сабаб бўлади.

Тимоти Ж. Уинтер “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда киблани топиш” номли асарида янги минг йилларда мусулмон дунёсида ахоли сони номутаношиб равища ўсиб боришини, уларнинг ижтимоий муаммоларига ўз вактида ечим топмаслиги турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айттиб ўтган.

Жумладан, муаллиф тарихий нуктаи назардан бундай вазият ҳамиша бекарорлик, тўстўполонларни келтириб чиқарганини, бунга XVI асрда Германияда ёш ахоли микдорининг ҳаддан зиёд ўсиб кетиши Европада протестантликни вужудга келишига, XX асрнинг 30-йилларида Марказий Европада фашизмнинг пайдо бўлиши, XVI–XVII асрларда кўплаб ёшларни ишсиз колиши натижада вужудга келган жалолийларнинг кўзғолонлари Усмонлиларнинг янги худудларни забт этишини тўхтатишига сабаб бўлганини, мусулмон мамлакатлари ичида биринчи бўлиб XX асрнинг 70-йиллари охирида Эронда ёш ахоли микдорининг кескин ошиб кетиши 1979 йилда инкилоб рўй беришига олиб келгани ва ба каби ҳолат 1989 йили Жазоирда Исломни куткариш жабхасини кўллаб-куватловчилар сони кескин кўпайишига сабаб бўлганини таъкидлайди (Тимоти Ж., 2005:8–9).

Бирок, жамиятда мутаассибликни вужудга келишини факаттина ижтимоий муаммоларгагина боғлаш тўғри бўлмайди. Чунки, олиб борган изланишлар турли экстремистик ташкилотлар сафига кириб колган мутаассиб шахслар ора-

сида жамиятдан норози бўлмаган, тўкин хаёт тарзини кечираётган ва хаётда ўз ўрнига эга бўлган инсонларнинг мавжудлигини кўрсатди. Колаверса, маколада жамиятда мутаассибликнинг вужудга келишига тури мониллар сабаб бўлишини кўриб чиқдик.

## ХУЛОСА

Юкорида келтирилган маълумотлардан шу хулоса килиш мумкинки, жамият хаётида мутаассибликнинг вужудга келишининг ягона портретини тизиши жуда мураккаб. У кўплаб ижтимоий, фалсафий, психологик, диний сиёсий ва тарихий омиллар таъсири остида шаклланади ва дунёнинг хар минтақасида турлича тафовутланади.

Бизнингча, ягона колиб мавжуд эмас, чунки мутаассибликни белгиловчи индекаторларни яратиш турли зиддиятли фикрларни юзага келишига сабаб бўлади. Чунки, мутаассиб шахснинг мазкур хусусиятни оддий одамларда хам учратиш мумкин. Кўп одамлар мутаассиб бўлмаган холда маълум бир дин, мағкура ёки сиёсий тузумга жуда каттиқ ишониши ва содик бўлади.

Мисол учун, ўзига ишонган принципиал ва ижтимоий ўзгаришлар учун фидокорона ва тинимсиз курашётган шахслар мутаассиб эмас балки қаҳрамон хисобланади. Шу билан бирга, агар кимdir кучли эътиқодга эга бўлса, бу унинг мутаассиб эканини англатмайди. Инсонлар мутаассиб хулк-атвортага эга бўлиши ёки баъзи одамлар бошқалрга нисбатан фанатизмга мойиллик кўпроқ бўлиши хам мумкин.

Ўз навбатида, факатгина биргина ўринда умумий фикрга келиш мумкин. Яъни, муайян тарихий воеқа ходисалар натижасида жамият хаёти ва инсонлар онгида вужудга келган ижтимоий, иктисолий, сиёсий, психологик, диний ва фалсафий муаммолар мутаассибликни вужудга келтирувчи асосий омиллар вазифасини бажариб, хар қандай турдаги фанатизмни шаклланишида албатта маълум бир тарихий воеқа ва ходисалар асосий роль ўйнайди.

Шу сабабли, бугунги кунда жамият хаётида мутаассибликнинг вужуд келиш сабабларини тадқиқ килишда хамда уни теранрок тушунишида фанатизмнинг тарихий-ижтимоий омилларини ўрганиш долзарблיק касб этмоқда.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

- Hughes M., Johnson G. (2005). *Fanaticism and Conflict in the Modern Age*. London: Frank Cass.
- Kalmer M. (2011). The many faces of fanaticism. Tarty: ENDC Proceedings.
- Иванова Е. (2011). Религиозная мифология (Учебное пособие). Екатеринбург: Издательство Уральского университета.
- Фромм Э. (1973). Анатомия человеческой деструктивности. (Новая философия). Москва: Издательство АСТ.
- Colas D. (1997). *Civil Society and Fanaticism: Conjoined Histories*. Stanford: Stanford University Press.
- Советская военная энциклопедия. (1980). Москва: Воениздат.
- Kleis R., Torgats Ü., Gross L., Freymann H. (2002). Terms and their translations Ladina-eesti sõnaraamat. Tallinn: Valgus.
- Hill F. (2004). Such Men are Dangerous: The Fanatics of 1692 and 2004. Hinesburg, VT: Upper Access Inc.
- Tucker N. (2019). Terrorism without a God: Reconsidering Radicalization and Counter-Radicalization Models in Central Asia Institute for European, Russian, and Eurasian Studies CAP. Washington: The George Washington University.
- Насретдинов Э., Урманбетова З., Мурзахалилов К., Мырзабаев. (2019). Уязвимость и устойчивость молодых людей в Кыргызстане к радикализации и экстремизму: анализ в пяти сферах жизни. Бишкек: Научно-Исследовательский Институт Исламоведения.
- Timotij Ж. Уинтер (2005). "XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда киблани тошиб". Тошкент: "Шарқ".
- Perrin M., Thibon G. (2003). *Simone Weil as We Knew Her*. New York: Routledge.
- Hoffer E. (2010). *The True Believer: Thoughts on the Nature of Mass Movements*. New York: Harper Perennial Modern Classics.
- Яхъяев М. (2006). Религиозный фанатизм как социально-исторический феномен (Автореферат). Махачкала.
- Ким В. (2003). Фанатизм как социальный феномен (Автореферат). Москва.
- Гарунова Н (2015). Религиозный фанатизм в молодежной среде и социopsихологический портрет террористки-смертницы на Северном Кавказе. Журнал Сүйерленінка НиО №8.
- Calhoun L. (2004). *An Anatomy of Fanaticism*. Peace Review, Vol. 16, 2004, №3.
- Воробьев О. (Нашрга тайёрловчى). (1909). Вехи: Сборник: статей о русской интеллигенции. Москва: 4-е изд.
- Donskis L. (2003). *George Orwell: faxismija vilkamise anatoomia*. Akadeemia Vol.15.

20. Ellis A. (1986). Fanaticism That May Lead to a Nuclear Holocaust: The Contributions of Scientific Counseling and Psychotherapy. *Journal of Counseling and Development*. Vol.65, №3.
21. Абдуллаева Д. (2021). Аэлларда диний фанатизмни юзага келтирүүчү турли психологияк омиллар. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 2 / ISSN 2181-1415.
22. Гумеров И. (2007). Что такое фанатизм? Кого можно назвать фанатиком? <https://pravoslavie.ru/6950.html>.

### REFERENCES

1. Hughes M., Johnson G. (2005). *Fanaticism and Conflict in the Modern Age*. London: Frank Cass.
2. Calmer M. (2011). The many faces of fanaticism. *Tartu: ENDC Proceedings*.
3. Ivanova Ye. (2011). *Religioznaia mifologiya* (Uchebnoye posobiye). Yekaterinburg: Publishing house of Ural University.
4. Fromm E. (1973). *Anatomiya chelovecheskoy destruktivnosti*. (Novaya filosofiya). Moscow: Izdatelstvo AST.
5. Colas D. (1997). *Civil Society and Fanaticism: Conjoined Histories*. Stanford: Stanford University Press.
6. Soviet military encyclopedia. (1980). Moscow: Voenizdat.
7. Kleis R., Torpats Ü., Gross L., Freymann H. (2002). Terms and their translations Ladina-eesti dictionary. Tallinn: Valgus.
8. Hill F. (2004). *Such Men are Dangerous: The Fanatics of 1692 and 2004*. Hinesburg, VT: Upper Access Inc.
9. Tucker N. (2019). Terrorism without a God: Reconsidering Radicalization and Counter-Radicalization Models in Central Asia Institute for European, Russian, and Eurasian Studies CAP. Washington: The George Washington University.
10. Nasridinov E., Urmanbetova Z., Murzakalilov K., Мырзабаев. (2019). *Uyazvimost i ustoyivost molodyykh lyudey v kyrgyzstane k radikalizasi i ekstremizmu: analiz v pyati sferax jizni*. Bishkek: Nauchno-Issledovatel'skiy Institut Islamovedeniya.
11. Timoti J. Uinter (2005). "XXI asrda Islom: Postmodern dunyoda qiblani topish". Tashkent: "Sharq".
12. Perrin M., Thibon G. (2003). *Simone Weil as We Knew Her*. New York: Routledge.
13. Hoffer E. (2010). *The True Believer: Thoughts on the Nature of Mass Movements*. New York: Harper Perennial Modern Classics.
14. Yahayev M. (2006). *Religiozny fanatizm kak sosialno-istoricheskiy fenomen* (Avtoreferat). Maxachkala.
15. Kim V. (2003). *Fanatizm kak sosialny fenomen* (Avtoreferat). Moscow.
16. Garunova N (2015). Religiozny fanatizm v molodejnoy srede i sosipsixologicheskiy portret terroristiki-smertnisq na Severnom Kavkaze. *Jurnal Syberleninka NiO №8*.
17. Calhoun L. (2004). An Anatomy of Fanaticism. *Peace Review*, Vol. 16. 2004. No. 3.
18. Vorobyev O. (Nashrga tayyorlovchi). (1909). *Vexi: Sbornik: statey o russkoj intelligensii*. Moscow: 4-ye izd.
19. Donskis L. (2003). *George Orwell: faxismi ja vihkamise anatomia*. Academia Vol.15.
20. Ellis, A. (1986). Fanaticism That May Lead to a Nuclear Holocaust: The Contributions of Scientific Counseling and Psychotherapy. *Journal of Counseling and Development*. Vol. 65, No. 3.
21. Abdullayeva D. (2021). Ayollarda diniy fanatizmni yuzaga keltirүүchü turlu psixologik omillar. Jamiyat va innovasiyalar – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 2 / ISSN 2181-1415.
22. Gumerov I. (2007). Chto takoye fanatizm? Kogo mojno nazvat fanatikom? <https://pravoslavie.ru/6950.html>.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИННИГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

Бош мұхаррір: Ж.Каримов

Мұхаррір: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидағы матнлар мұхарріри: О.Сотвоздиев

Дизайнер-сағиғаловчы: З.Үломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашириётнинг лицензия раками AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашириёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36

@moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

info@moturidiy.uz